Кипр Республикаси,
Латвия Республикаси,
Литва Республикаси,
Люксембург Буюк Герцоглиги,
Венгрия Республикаси,
Мальта Республикаси,
Нидерландия Қироллиги,
Австрия Республикаси,
Польша Республикаси,
Португалия Республикаси,
Руминия,
Словения Республикаси,
Словакия Республикаси,
Финляндия Республикаси,

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 50-сон, 493-модда.

** Европа Иттифоқи Кенгашининг 2008 йил 19 декабрдаги SGS8/16207-сонли нотаси.

ШВЕЦИЯ ҚИРОЛЛИГИ,
БУЮК БРИТАНИЯ ВА
ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯ ҚЎШМА ҚИРОЛЛИГИ,

бундан кейин «аъзо-давлатлар» деб аталувчилар, Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан вакил қилинганлар, ва ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИ ВА АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИ,

бундан кейин «Ҳамжамиятлар» деб аталувчилар, Европа Иттифоқи Кенгаши ва Европа Комиссияси томонидан вакил қилинганлар, иккинчи томондан, бундан кейин ушбу Баённома мақсадлари учун «Томонлар» деб аталувчилар,

Бельгия Қироллиги, Чехия Республикаси, Дания Қироллиги, Германия Федератив Республикаси, Эстония Республикаси, Греция Республикаси, Испания Қироллиги, Франция Республикаси, Ирландия, Италия Республикаси, Кипр Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Люксембург Буюк Герцоглиги, Венгрия Республикаси, Мальта Республикаси, Нидерландия Қироллиги, Австрия Республикаси, Польша Республикаси, Португалия Республикаси, Словения Республикаси, Словакия Республикаси, Финляндия Республикаси, Швеция Қироллиги ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги (Европа Иттифоқига аъзо-давлатлар) билан Болгария Республикаси ва Руминия ўртасида Болгария Республикаси ва Руминиянинг Европа Иттифоқига киришлари тўғрисида Люксембургда 2005 йил 25 апрелда имзоланган ва 2007 йил 1 январда кучга кирган шартнома қоидаларини инобатга олиб,

Европа Иттифоқига янги иккита аъзо-давлат қабул қилинишидан келиб чиқадиган, Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига янги имкониятлар очадиган, Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи муносабатлари ўртасидаги янги вазиятни эътиборга олиб,

Томонларда Битим мақсадлари ва принципларини амалга оширишни таъминлаш истаги борлигини эътиборга олиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Болгария Республикаси ва Руминия Флоренция шаҳрида 1996 йил 21 июнда имзоланган ва 1999 йил 1 июлдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари, ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг (бундан кейин «Битим» деб аталади) Томонлари ҳисобланадилар, ва Битим матнини, шу кунга имзоланган Яқуний актга илова қилинган Қўшма баённомаларни, хатлар алмашинувини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартини ва 2004 йил 30 апрелда имзоланган, 2005 йил 1 ноябрдан кучга кирган Битимга Баённомани бошқа аъзо-давлатлар каби тегишлича тасдиқлайдилар ва эътиборга оладилар.

2-модда

Ушбу Баённома Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3-модда

1. Ушбу Баённома Ўзбекистон Республикаси, Ҳамжамиятлар, аъзо-давлатлар номидан Европа Иттифоқи Кенгаши, ўзларининг ички процедураларига мувофиқ тасдиқланиши лозим.

2. Томонлар юқоридаги бандда кўрсатиб ўтилган тегишли процедураларни бажарганликлари тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар. Тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар Европа Иттифоқи Кенгаши Бош Котибиятига сақлаш учун топширилади.

4-модда

1. Ушбу Баённома тасдиқлаш тўғрисидаги охириги ҳужжат сақлаш учун топширилган кундан кейинги биринчи ойнинг биринчи кунидан кучга кирилади.

2. Ушбу Баённома кучга киргунга қадар 2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинча қўлланилади.

5-модда

1. Битимнинг, Якуний актнинг ва унга илова қилинган барча ҳужжатларнинг, ҳамда 2004 йил 30 апрелда имзоланган Битимга Баённоманинг матни болгар ва румин тилларида тайёрланган.

2. Улар шу Баённомага илова қилинган ва Битим, Якуний акт ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва 2004 йил 30 апрелда имзоланган Битимга Баённоманинг бошқа тилларида тузилган матнлари билан бир хил кучга эга.

6-модда

Ушбу Баённома икки нусхада болгар, чех, дания, нидерланд (голланд), инглиз, эстон, фин, француз, немис, грек, венгер, итальян, латиш, литва, мальта, поляк, португал, румин, словян, словак, испан, швед ва ўзбек тилларида тузилиб, бир хил кучга эга.

(имзолар)

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

**Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси
ўртасида 2008 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий
ҳамкорлик тўғрисида
ШАРТНОМА**

Минск, 2008 йил 19 июнь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2008 йил 19 ноябрдаги ПҚ–1000-сон қарори*
билан тасдиқланган*

*(2009 йил 9 январдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисида 1991 йил 6 ноябрдаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида савдо муносабатлари тўғрисида 1993 йил 21 январдаги битим, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикасининг дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида 1994 йил 22 декабрдаги декларациясига, шунингдек Томонлар иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномаларга амал қилиб,

ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларга узоқ муддатлилик ва барқарорлик туси бериш, Томонларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий имкониятларидан самарали фойдаланиш ва улар халқларининг фаровонлигини ошириш зарурлигини англаб,

иқтисодиётни изчил ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни ўтказишга муҳим аҳамият бериб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва принципларига амал қилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 47-сон, 463-модда.

** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2008 йил 24 ноябрдаги 05/30710-сонли нотаси. Беларусь Республикаси элчихонасининг 2009 йил 9 январдаги 20-Н-сонли нотаси.

1-модда

Томонлар ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида 2008 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастурини (бундан кейин — Дастур) амалга оширадилар.

2-модда

Томонлар иқтисодий ҳамкорликни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига оғишмай риоя этиш асосида, шу жумладан давлат бошқаруви органлари ўртасида, бевосита хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, мулк шакли ва ташкилий қарашлилигидан қатъи назар, Томонлар миллий қонунчилигига риоя этиб, шартномалар тузиш йўли билан амалга оширадилар.

Олинган мажбуриятларни бажариш учун шартнома тузган хўжалик юритувчи субъектлар жавобгардирлар.

Томонлар ўз зиммаларига бошқа Томон иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслик мажбуриятини оладилар.

3-модда

Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссияга (бундан кейин Комиссия) Дастур бажарилишини мувофиқлаштириш, унинг амалга оширилишини назорат қилиш ва зарурият туғилганда унга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифасини юклашга келишиб олдилар.

4-модда

Ушбу Шартнома қоидаларини талқин қилиш ва қўллашда юзага келадиган баҳслар маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

5-модда

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, мазкур Шартномага ушбу Шартноманинг 7-моддасига мувофиқ кучга кирадиган ва кучга кирган вақтдан бошлаб Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган протоколлар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6-модда

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

7-модда

Ушбу Шартнома Томонлардан Шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедуралари бажарилганини тасдиқловчи охирги ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради ва 2017 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

Томонлардан ҳар бири бошқа Томонга ёзма хабарнома юбориб, ушбу Шартнома амалини тугатиши мумкин.

Бу ҳолда Шартнома бундай ёзма хабарнома олинган санадан бошлаб 6 (олти) ой ўтгач, ўз амалини тугатади.

Ушбу Шартнома амалининг тугатилиши, агар Томонлар ўзгача келишмаган бўлсалар, Дастурга мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳаларга дахл қилмайди.

Минск шаҳрида 2008 йил 19 июнда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, бунда иккала матн ҳам бир хил кучга эга. Ушбу Шартнома қоидаларини талқин қилишда рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси
ўртасида 2008 — 2017 йилларга мўлжалланган
иқтисодий ҳамкорлик
ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси анъанавий иқтисодий шериклар ҳисобланади. Икки мамлакат ҳамкорлиги — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида хўжалик алоқаларининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Жаҳон хўжалиги глобаллашуви жараёнининг жадал ривожланиши ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги иқтисодий муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш зарурати ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисида 1991 йил 6 ноябрдаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида савдо муносабатлари тўғрисида 1993 йил 21 январдаги битим, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикасининг дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида 1994 йил 22 декабрдаги декларацияси бу фаолиятни биргаликда олиб бориш учун асосдир. Мазкур ҳужжатларнинг қоидаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида 2008 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликнинг ушбу Дастури (бундан кейин — Дастур) ишлаб чиқилди.

I. Дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари

Дастурнинг мақсади — икки давлат ўртасида, уларнинг маъмурий-худудий бирликлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган чоралар, шу жумладан шартномавий-ҳуқуқий хусусиятдаги, мажмуини ишлаб чиқиш, миллий иқтисодиётлар етакчи соҳаларининг ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлигида ютуқларга эришиш, шу асосда ўзаро товар айланишини ўстириш ва шунингдек халқларнинг маънавий-маданий эҳтиёжларини қондириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва фаровонлигини ўстиришдир.

Дастур мақсадларини амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш талаб қилинади:

— турли қўринишдаги ва шакллардаги қўшма корхоналар тузиш, ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

— ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ахборот базасини яратиш, шу жумладан товарлар ва хизматлар экспорти масалалари бўйича икки давлат кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўртасида амалий алоқалар ўрнатиш мақсадида товар ишлаб чиқарувчилар маълумотлар базасини яратиш;

— савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий масалалар бўйича бир-бирини қизиқтирадиган очиқ ахборот билан алмашиш;

— минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш;

— маданият, спорт ва туризм соҳаларида манфаатли ҳамкорлик тadbирларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

— халқаро транспорт коммуникациялари ва алоқасидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш, амалдаги транспорт коридорлари самарадорлигини ошириш ҳамда янгиларини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси товар ва фондлар бозорларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилиши.

II. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси (бундан кейин — Томонлар) узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликни қуйидаги йўналишлар бўйича ривожлантирадилар:

— Томонлар ҳўжалик юритувчи субъектларига ўзаро манфаатли шароитларни таъминловчи ҳуқуқий база яратиш йўли билан миллий қонунчиликларни яқинлаштириш;

— норматив-ҳуқуқий базани уйғунлаштириш ва унинг давлатлараро интеграциялашган тузилмалар ҳамда қўшма корхоналар яратиш бўйича самарали механизмларини ишлаб чиқиш;

— зарур статистик ахборот, статистик нашр ва эълонлар, методологик материаллар ва ишланмалар, дастурлар ва шунингдек статистик қу-

затишлар, рўйхатга олиш, текширишлар ўтказиш тажрибаси билан алмашиш, ташқи савдо статистикасини шакллантириш принципларини келишиб олиш;

— ноинсоф хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ва сифатсиз товарларнинг иккала давлат ҳудудларига киришига йўл қўймаслик чоратадбирларини кўриш;

— икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш;

— миллий ва халқаро кўرғазмалар, ярмаркалар, семинарлар, конференциялар ҳамда ахборот алмашиш ва амалий алоқалар ўрнатиш бўйича чоратадбирлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар захираларини биргаликда ўзлаштириш, табиатдан фойдаланишда иқтисодий усулларни ривожлантириш, экологик тоза ресурсларни тежайдиган технологиялардан ўзаро фойдаланиш ва алмашишга кўмаклашиш, бу мақсадларда илмий-тадқиқот, геологик ва технологик ишлар олиб бориш.

III. Савдо муносабатларини ривожлантириш ва божхона иши соҳасида ҳамкорлик

Томонлар ўртасида савдо ҳамкорлигини ривожлантириш ва чуқурлаштириш давлатлар ўртасида қўлланиладиган эркин савдо режими доирасида ва шунингдек ЕврАзЭС доирасида қабул қилинаётган мажбуриятларга мувофиқ амалга оширилади, бунда халқаро савдонинг умум эътироф этилган принциплари ва қоидаларига босқичма-босқич ўтиш ҳисобга олинади.

Божхона сиёсатини олиб бориш, транспорт воситалари, товарлар ва йўловчилар ҳаракати, божхона назоратини оптималлаштириш учун қулай шароитлар яратиш соҳасида божхона ва бошқа органларнинг икки томонлама тартибга солувчи ҳужжатлар ва ЕврАзЭС доирасида қабул қилинган ҳужжатлар асосида баҳамжихат ҳаракатини қўйидаги йўналишлар бўйича аста-секин ва изчил ривожлантириш кутилмоқда:

— товарларнинг транзитини учун қулай шароитлар яратиш бориш, транзит юк ташишда божхона процедураларини содаллаштириш;

— божхона қонунчиликларини бузишга қарши курашиш бўйича, хусусан наркотик воситалар, психотроп моддалар, прекурсорлар, ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи ва заҳарли моддаларни, шунингдек, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавfli бўлган радиоактив материалларни ноқонуний ташишга барҳам бериш соҳасида келишилган чоралар кўриш;

— божхона ишини дастурий таъминлашни такомиллаштириш;

— акцизланадиган товарлар ўтказилиши устидан божхона назоратини ташкил этишга келишилган ёндашувлар ишлаб чиқиш;

— интеллектуал мулк объектига оид маҳсулотни етказиб беришда божхона назоратини такомиллаштириш.

IV. Табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик

Томонлар табиий ва техноген хусусиятидаги фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, ёнгин, саноат ва радиация хавфсизлиги, аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятидаги фавқулдда вазиятлардан ҳимоя қилиш, шу соҳадаги фаолиятни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, шу соҳада бир-бирига руҳсат бериш ёки бошқа йўналишлар бўйича ҳамкорликни ривожлантирадilar.

V. Дастурни амалга ошириш механизми

Дастур Томонлар давлат бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектларининг Дастурни амалга ошириш бўйича Тадбирларда белгиланадиган аниқ вазифаларни бажариш воситаси билан амалга оширилади, бу Тадбирлар Дастурнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Ушбу Дастурни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия доирасида аниқ масалаларни ҳал қилиш учун ишчи гуруҳлари тузилади.

Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлисларида маълумот берадилар.

ДОГОВОР
между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь
об экономическом сотрудничестве на 2008 — 2017 годы

Минск, 19 июня 2008 г.

*Утвержден постановлением Президента Республики
Узбекистан от 19 ноября 2008 года № ПП–1000**

*(Вступил в силу 9 января 2009 года)***

Республика Узбекистан и Республика Беларусь, именуемые далее Сторонами,

руководствуясь Договором об основах межгосударственных отношений между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь от 6 ноября 1991 года, Соглашением о торговых отношениях между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь от 21 января 1993 года, Декларацией Республики Узбекистан и Республики Беларусь о дальнейшем укреплении дружбы и сотрудничества от 22 декабря 1994 года, а также другими международными договорами, участниками которых являются Стороны,

сознавая необходимость дальнейшего укрепления и развития взаимовыгодных торгово-экономических и производственных отношений, придания им долгосрочного и стабильного характера, эффективного использования экономического и научно-технического потенциала Сторон и повышения благосостояния их народов,

придавая важное значение динамичному развитию экономики и проведению экономических реформ, руководствуясь общепризнанными нормами и принципами международного права,

договорились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны реализуют Программу экономического сотрудничества между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь на 2008 — 2017 годы (далее — Программа), являющуюся неотъемлемой частью настоящего Договора.

Статья 2

Стороны осуществляют экономическое сотрудничество на основе неуклонного соблюдения общепризнанных принципов международного права, в том числе путем заключения договоров между органами государственного управления, непосредственно между хозяйствующими субъектами, незави-

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 47, ст. 463.

** Нота МИД Республики Узбекистан от 24 ноября 2008 года № 05/30710. Нота Посольства Республики Беларусь от 9 января 2009 года № 20-Н.

симо от форм собственности и организационной подчиненности, с соблюдением национального законодательства Сторон.

Ответственность за выполнение принятых обязательств несут хозяйствующие субъекты, заключившие договоры.

Стороны обязуются воздерживаться от действий, наносящих ущерб интересам экономики другой Стороны.

Статья 3

Стороны согласились возложить на Совместную межправительственную комиссию по двустороннему сотрудничеству между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь (далее — Комиссия), координацию выполнения Программы и осуществление контроля за ходом ее реализации и в случае необходимости выработку предложений по внесению в нее изменений.

Ход выполнения Программы рассматривается на заседаниях Комиссии не реже одного раза в год.

Статья 4

Споры относительно толкования и применения положений настоящего Договора подлежат урегулированию путем консультаций и переговоров.

Статья 5

По взаимному согласию Сторон в настоящий Договор могут вноситься изменения и дополнения, оформляемые протоколами, которые вступают в силу в соответствии со статьей 7 настоящего Договора и с момента вступления в силу являются его неотъемлемой частью.

Статья 6

Настоящий Договор не затрагивает прав и обязательств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых являются Республика Узбекистан и Республика Беларусь.

Статья 7

Настоящий Договор вступает в силу с даты получения последнего письменного уведомления, подтверждающего выполнение Сторонами, внутригосударственных процедур, необходимых для вступления Договора в силу, и действует до 31 декабря 2017 года.

Каждая из Сторон может прекратить действие настоящего Договора путем письменного уведомления другой Стороны.

В этом случае Договор прекращает свое действие через 6 (шесть) месяцев с даты получения такого уведомления.

Прекращение действия настоящего Договора не затрагивает осуществления проектов, реализуемых в соответствии с Программой, если Стороны не договорятся об ином.

Совершено в г. Минске 19 июня 2008 года в двух экземплярах, каж-

дый на узбекском и русском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу. Для целей толкования положений настоящего Договора используется текст на русском языке.

(подписи)

ПРОГРАММА
экономического сотрудничества между Республикой
Узбекистан и Республикой Беларусь
на 2008 — 2017 годы

Республика Узбекистан и Республика Беларусь являются традиционными экономическими партнерами. Сотрудничество двух стран — важнейшая составная часть хозяйственных связей в Содружестве Независимых Государств.

Ускоренное развитие процесса глобализации мирового хозяйства, а также необходимость перехода на качественно новый этап экономических отношений между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь требуют выработки долгосрочной стратегии взаимовыгодного двустороннего сотрудничества.

Договор об основах межгосударственных отношений между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь от 6 ноября 1991 года, Соглашение о торговых отношениях между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь от 21 января 1993 года, Декларация Республики Узбекистан и Республики Беларусь о дальнейшем укреплении дружбы и сотрудничества от 22 декабря 1994 года являются основой для совместного проведения этой работы. Исходя из положений названных документов, разработана настоящая Программа экономического сотрудничества между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь на 2008 — 2017 годы (далее — Программа).

I. Основные цели и задачи Программы

Целью Программы является выработка комплекса мер, в том числе договорно-правового характера, направленных на оказание содействия развитию взаимовыгодных экономических, научно-технических и культурных связей между двумя государствами, их административно-территориальными единицами и хозяйствующими субъектами, достижение прогресса в производственном сотрудничестве ведущих отраслей национальных экономик, рост на этой основе взаимного товарооборота, а также удовлетворение духовно-культурных потребностей, формирование здорового образа жизни и рост благосостояния народов.

Для реализации целей Программы требуется решение следующих задач:

- формирование благоприятных условий для создания совместных предприятий различных видов и форм, развития производственной кооперации;
- создание информационной базы в области внешнеэкономической деятельности, в том числе создание базы данных товаропроизводителей в целях установления деловых контактов между представителями малого и среднего бизнеса двух государств по вопросам экспорта товаров и услуг;
- обмен открытой информацией торгово-экономического, а также научно-технического характера, предоставляющей взаимный интерес;
- развитие межрегионального сотрудничества;
- подготовка и реализация мероприятий по взаимовыгодному сотрудничеству в области культуры, спорта и туризма;
- эффективное использование и развитие международных транспортных коммуникаций и связи, повышение эффективности действующих и создание новых транспортных коридоров;
- взаимодействие товарных и фондовых рынков Республики Узбекистан и Республики Беларусь.

II. Основные направления развития экономического сотрудничества

Республика Узбекистан и Республика Беларусь (далее — Стороны) будут развивать долгосрочное экономическое сотрудничество по следующим направлениям:

- сближение национальных законодательств путем создания правовой базы, обеспечивающей взаимовыгодные условия хозяйствующим субъектам Сторон;
- гармонизация нормативно-правовой базы и разработка эффективных механизмов ее реализации по созданию межгосударственных интегрированных структур и совместных предприятий;
- обмен необходимой статистической информацией, статистическими изданиями и публикациями, методологическими материалами и разработками, программами, а также опытом проведения статистических наблюдений, переписей, обследований, согласование принципов формирования статистики внешней торговли;
- принятие мер по предотвращению деятельности недобросовестных хозяйствующих субъектов и попадания некачественных товаров на территории обоих государств;
- расширение договорно-правовой базы двустороннего сотрудничества;
- проведение национальных и международных выставок, ярмарок, семинаров, конференций и мероприятий по информационному обмену и установлению деловых контактов;
- совместное освоение месторождений полезных ископаемых на тер-

ритории Республики Узбекистан, развитие экономических инструментов в природопользовании, содействие взаимному доступу и обмену экологически чистыми ресурсосберегающими технологиями, проведение в этих целях научно-исследовательских, геологических и технологических работ.

III. Развитие торговых отношений и сотрудничество в области таможенного дела

Развитие и углубление торгового сотрудничества между Сторонами будет осуществляться в рамках применяемого между государствами режима свободной торговли, а также в соответствии с обязательствами, принимаемыми в рамках ЕврАзЭС, с учетом поэтапного перехода на общепризнанные принципы и правила международной торговли.

В области проведения таможенной политики, создания благоприятных условий для движения транспортных средств, товаров и пассажиров, оптимизации таможенного контроля предстоит постепенное и последовательное развитие взаимодействия таможенных и других органов на основе двусторонних регламентирующих документов и документов, принятых в рамках ЕврАзЭС, по следующим направлениям:

— обеспечение благоприятных условий для транзита товаров, упрощение таможенных процедур при транзитных перевозках;

— принятие согласованных мер по борьбе с нарушениями таможенных законодательств, особенно в сфере пресечения незаконных перевозок наркотических средств, психотропных веществ, прекурсоров, огнестрельного оружия, боеприпасов, взрывчатых и ядовитых веществ, а также радиоактивных материалов, опасных для здоровья населения и окружающей среды;

— совершенствование программного обеспечения таможенного дела;

— выработка согласованных подходов к организации таможенного контроля за перемещением подакцизных товаров;

— совершенствование таможенного контроля при поставках продукции, относящейся к объектам интеллектуальной собственности.

IV. Сотрудничество в области предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера

Стороны будут развивать сотрудничество в области предупреждения чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера и ликвидации их последствий, обеспечения пожарной, промышленной и радиационной безопасности, защиты населения и территорий от чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера, совершенствования нормативно-правового регулирования данной сферы деятельности, разработки и внедрения новых технологий, предоставления взаимного доступа в этой области или по другим направлениям.

V. Механизм реализации Программы

Программа будет осуществляться посредством выполнения органами государственного управления и хозяйствующими субъектами Сторон конкретных действий, определяемых в мероприятиях по реализации Программы, которые являются неотъемлемой частью Программы.

В целях выполнения настоящей Программы в рамках Совместной межправительственной комиссии по двустороннему сотрудничеству между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь для решения конкретных вопросов создаются рабочие группы.

Рабочие группы докладывают о результатах своей деятельности на заседаниях Совместной межправительственной комиссии по двустороннему сотрудничеству между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Венгрия
Республикаси Ҳукумати ўртасида икки ёқлама солиққа
тортилишига йўл қўймаслик ва даромад ҳамда капитал
солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида
КОНВЕНЦИЯ**

Тошкент, 2008 йил 17 апрель

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2008 йил 4 июлдаги ПҚ-990-сонли қарори*
билан тасдиқланган*

*(2009 йил 29 январдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Венгрия Республикаси Ҳукумати, икки ёқлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ва даромад ҳамда капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида Конвенция тузиш истагида, шунингдек икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 266-модда.

** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ички процедураларни бажарганлик тўғрисида 2008 йил 8 июлдаги 05/17661-сонли нотаси. Венгрия Республикасининг ички процедураларни бажарганлик тўғрисида 2009 йил 21 январдаги 1381/Adm/KUM/2009-сонли нотаси.

1-модда.
Қўллаш доираси

Мазкур Конвенция Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки иккаласининг резиденти бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

2-модда.
Конвенция татбиқ этиладиган солиқлар

1. Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-худудий бўлинмалари ёки маҳаллий ҳокимият органлари номидан ундирилаётган даромад ва капитал солиқларига нисбатан, уларни ундириш услубидан қатъи назар, татбиқ этилади.

2. Даромад ва капиталга солинадиган солиқларга жами даромадга ёки жами капиталга, ёхуд даромад ёки капиталнинг бир қисмига солинадиган барча солиқлар тааллуқли бўлиб, бунга кўчар ва кўчмас мулкни бошқа шахсга беришдан олинган даромадлар, корхоналар томонидан тўланадиган иш ҳақи ёки маошнинг умумий миқдорига солинадиган солиқлар, шунингдек капитал қийматининг ўсишидан олинган даромадларга солинадиган солиқлар ҳам киради.

3. Ушбу Конвенция татбиқ этиладиган амалдаги солиқлар, хусусан қуйидагилардир:

(а) Ўзбекистон Республикасида:

i) юридик шахслар даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ;

ii) жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ;

iii) мол-мулк солиғи;

(бундан кейин «Ўзбекистон солиқлари» деб аталади).

(б) Венгрияга нисбатан:

i) Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ;

ii) Корпоратив солиқ (юридик шахслар даромадидан олинадиган солиқ);

iii) дивиденд солиғи;

iv) қўшимча солиқ;

v) қисман тўланадиган ер солиғи;

vi) биноларга солиқ.

(бундан кейин «Венгрия солиқлари» деб аталади);

4. Шунингдек, ушбу Конвенция имзоланган санадан сўнг мавжуд солиқлар ўрнига ёки қўшимча ундириладиган ҳар қандай бир хил ёки моҳиятан ўхшаш солиқларга ҳам қўлланилади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари уларнинг солиқ қонунларига киритилган муҳим ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

3-модда.
Умумий таърифлар

1. Ушбу Конвенциянинг мақсадларида матннинг мазмунидан ўзга маъно чиқмаса:

а) «Ўзбекистон» атамаси Ўзбекистон Республикасини билдиради ва жуғрофий маънода қўлланилганда, халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ўзининг суверен ҳуқуқлари ва юрисдикциясига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳудудини, ҳудудий сувлари ва ҳаво кенгликларини, шу жумладан, ер ости бойликларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини англа-тади;

b) «Венгрия» атамаси Венгрия Республикасини билдиради ва жуғрофий маънода қўлланилганда Венгрия Республикаси ҳудудини англа-тади;

c) «Аҳдлашувчи Давлат», «Аҳдлашувчи Давлатлардан бири» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамалари матн мазмунига қараб, Ўзбекистонни ёки Венгрияни англа-тади;

d) «шахс» атамаси жисмоний шахсни, компания ёки шахсларнинг ҳар қандай бирлашувини англа-тади;

e) «компания» атамаси, солиққа тортиш мақсадларида корпоратив бир-лашув сифатида қараладиган корпоратив бирлашмани ёки ҳар қандай таш-килотни англа-тади;

f) «Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат-нинг корхонаси» атамалари бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида бўлган корхонани ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқару-ви остида бўлган корхонани англа-тади;

g) «халқаро ташиш» атамаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг ре-зиденти бўлган корхона томонидан фойдаланиладиган денгиз ёки ҳаво ке-малари, темирйўл ёки йўл-транспортда ҳар қандай ташишни англа-тади, денгиз ёки ҳаво кемалари, темирйўл ёки йўл-транспортда воситаларининг фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудига жойлашган пунктлар ўртасида фойдаланилиши бундан мустасно;

h) «ваколатли орган» атамаси қўйидагиларни англа-тади:

(i) Ўзбекистон Республикасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Дав-лат солиқ қўмитаси ёки унинг ваколатли вакили;

(ii) Венгрия Республикасига нисбатан — Венгрия Республикаси Молия вазири ёки унинг ваколатли вакили;

i) «миллий шахс» атамаси қўйидагиларни англа-тади:

(i) Аҳдлашувчи Давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахсни;

(ii) Аҳдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўз мақо-мини олган ҳар қандай юридик шахс, ҳамжамият ва уюшмани.

2. Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлатлар томонидан ҳар қандай вақтда қўлланилганда унда белгиланмаган ҳар қандай атама, агар матндан бошқа маъно келиб чиқмаса, ушбу Конвенция татбиқ этиладиган солиқларга шу Давлат қонунларига мувофиқ эга бўлган маънони англа-тади. Шу Давлатда қўлланиладиган солиқ қонунчилиги бўйича ҳар қандай маъно шу Давлат-нинг бошқа қонунларига мувофиқ шу атамага берилган маънодан устун бўлади. Шу давлатнинг солиқ қонунчилигига биноан атаманинг маъноси ушбу Давлатнинг бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги атамасидан устун туради.

4-модда. Резидент

1. Ушбу Конвенция мақсадларида «Ахдлашувчи Давлат резиденти» атамаси шу Давлат қонунлари бўйича ўзининг яшаш жойи, доимий бўлиш жойи, бошқарув жойи, ташкил топиш жойи ёки ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш мезонлар асосида солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни англатади, шунингдек Давлатнинг ўзини ва ҳар қандай маъмурий-худудий бўлинмасини ёки маҳаллий ҳокимият органини ҳам ўз ичига олади. Бироқ, бу атама фақат ушбу Ахдлашувчи Давлатда жойлашган манбалардан ёки капиталдан даромад олаётгани учун шу Давлатда солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни ўз ичига олмайди.

2. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахс иккала Ахдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унинг мақоми қуйидаги тарзда белгиланади:

а) у қайси Давлатда ўзи учун тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий уйига эга бўлса, шу Давлатнинг резиденти ҳисобланади; агар у ҳар иккала Давлатда тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий уйга эга бўлса, шахсий ва иқтисодий алоқалари яқинроқ бўлган (хаётий манфаатлар маркази) Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

б) агар унинг хаётий манфаатлари маркази жойлашган Давлатни аниқлаб бўлмаса, ёки Давлатлардан ҳеч бирида тўсиқсиз яшаши мумкин бўлган доимий уйига эга бўлмаса, у одатда яшайдиган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

с) агар шахс одатда ҳар иккала Давлатда яшаса ёки одатда уларнинг ҳеч бирида яшамаса, у қайси Давлатнинг миллий шахси бўлса, ўша Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

д) агар у ҳар иккала Давлатнинг миллий шахси бўлса, ёки улардан ҳеч бириники бўлмаса, бунда Ахдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари бу масалани ўзаро келишувга кўра ҳал қилиши лозим.

3. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахс бўлмаган шахс Ахдлашувчи Давлатлардан ҳар иккаласининг резиденти бўлса, унда у ташкил топган жой Давлатнинг резиденти ҳисобланади.

5-модда. Доимий муассаса

1. Ушбу Конвенцияда «доимий муассаса» атамаси корхонанинг тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман амалга оширадиган доимий фаолият жойини англатади.

2. «Доимий муассаса» атамаси, хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) бошқарув жойи;
- б) бўлим;
- с) офис;
- д) фабрика;
- е) устахона, ва

г) шахта, нефть ёки газ қудуғи, карьер ёки табиий ресурслар қазиб олинадиган ҳар қандай бошқа жойни.

3. «Доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

а) қурилиш майдончаси ёки қурилиш ёки монтаж лойиҳаси ёки улар билан боғлиқ бўлган бошқарув фаолияти, бироқ шундай майдонча, объект ёки фаолиятнинг давомийлиги 12 ойдан ортиқ давом этсагина;

б) Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан хизматлар кўрсатиш, шу жумладан консалтинг ёки бошқарув хизматларини корхона шу мақсад учун ёллаган хизматчилар ёки бошқа ходимлар орқали амалга оширилса, бироқ шу мазмундаги фаолият бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида ҳар қандай ўн икки ойлик давр доирасида жами 6 ойдан ошадиган давр ёки даврлар мобайнида давом этсагина.

4. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай, «доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

а) иншоотлардан шу корхонага тегишли бўлган товар ёки буюмларни сақлаш ёки намойиш қилиш мақсадида фойдаланиш;

б) шу корхонага тегишли бўлган товар ёки буюмлар захирасини сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадида ушлаб турилиши;

с) шу корхонага тегишли товар ёки буюмлар захирасининг бошқа корхона томонидан фақат қайта ишлаш мақсадида ушлаб турилиши;

д) доимий фаолият жойининг товар ёки буюмлар сотиб олиш ёки ушбу корхона учун ахборот йиғиш мақсадида ушлаб турилиши;

е) доимий фаолият жойининг фақат шу корхона мақсади учунгина бошқа ҳар қандай тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги фаолиятни амалга ошириш мақсадида ушлаб турилиши;

г) доимий фаолият жойининг а) — е) кичик бандларида эслатиб ўтилган фаолият турларининг ҳар қандай комбинациялашуви учунгина бундай доимий фаолият жойининг фаолияти ана шу комбинациялашуви натижаси, тайёргарлик ёки ёрдамчи тусда бўлган тақдирда сақлаб турилиши.

5. Ушбу модда 1 ва 2-бандларнинг қоидаларига қарамай, агар ушбу модданинг 6-банди татбиқ этиладиган мустақил мақомли агентдан ўзга бўлган шахс Аҳдлашувчи Давлатда бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси номидан иш юритса, бу корхона биринчи эслатиб ўтилган Давлатда ана шу корхона учун ушбу шахс томонидан кўрсатилган ҳар қандай фаолиятга нисбатан доимий муассасага эга деб ҳисобланади, агар:

а) у, биринчи эслатилган Давлатда корхона учун ёки унинг номидан шартномалар тузиш ваколатига эга бўлса ва одатда фойдаланса, ёки

б) у, биринчи эслатилган Давлатда корхонага тегишли бўлган товарлар ёки буюмлар захирасига эга бўлиб, корхона учун ёки унинг номидан мунтазам равишда сотса, агарда бундай шахснинг фаолияти 4-бандда эслатиб ўтилганлар билан чекланиб қолмаса, агар фаолият шу банднинг қоидаларига биноан доимий фаолият жойи орқали амалга оширилса, ушбу банд қоидаларига мувофиқ, доимий фаолият жойидан доимий муассаса ҳосил қилмайди.

6. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлат-

нинг суғурта компанияси, агар у бошқа Давлат ҳудудида мукофот тўпласа ёки 7-бандга тааллуқли бўлган мустақил мақомли агентдан ўзга шахс орқали у ерда бўлиши мумкин бўлган хатарни суғурта қилса, қайта суғурта қилиш бундан мустасно, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб ҳисобланади.

7. Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси, агар бошқа Аҳдлашувчи Давлатда брокер, комиссиянер ёки ҳар қандай бошқа мустақил мақомли агент орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, бу шахслар ўзининг одатдаги фаолияти чегарасида иш юритган тақдирда, ушбу Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб қаралмайди.

8. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган, ёки ана шу бошқа Давлатда тижорат фаолиятини амалга ошираётган (доимий муассаса орқали ёки бошқа тарзда) компанияни назорат қилса ёки назорат қилинса, бу ҳолат ўз-ўзидан бу компаниялардан бирини бошқаси учун доимий муассасага айлантириб қўймайди.

6-модда.

Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан оладиган даромадлари (жумладан қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан олинадиган даромадлар) ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

«Кўчмас мулк» атамаси кўриб чиқиляётган мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлат қонунлари бўйича белгиланган маънога эгадир. Ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу атама ер устидаги мулкчиликка тааллуқли бўлган умумий қонун қоидалари билан ҳуқуқи белгилаб берилган кўчмас мулкка тегишли бўлган мулкни, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ишлатиладиган чорва моллари ва воситаларни ҳамда кўчмас мулк узуфруктини минераллар, манбалар ва бошқа табиий бойликларнинг қатламларини қазилар учун товон сифатида тўланадиган ўзгарувчан ёки қайд этилган тўловлар ҳуқуқини, ёки минераллар, манбалар ва бошқа табиий ресурслар қатламларини қазилар ҳуқуқини ўз ичига олади; сув ва ҳаво кемалари кўчмас мулк сифатида қаралмайди.

3. 1-банд қоидалари кўчмас мулкдан тўғридан-тўғри фойдаланиш, ижарага бериш ёки бошқа ҳар қандай шаклда фойдаланишдан олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади.

4. 1 ва 3-банд қоидалари корхонанинг кўчмас мулкдан олган даромадларига ва мустақил шахсий хизматларни амалга ошириш учун фойдаланадиган кўчмас мулкдан олган даромадларига ҳам қўлланилади.

7-модда.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган фойда

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдаси, токи корхона ўзининг тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган

доимий муассаса орқали амалга оширмаётган бўлса, фақат шу Давлатда солиққа тортилади. Агар корхона ўз фаолиятини юқорида айтилганидек амалга ошираётган бўлса, корхонанинг фойдаси бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин, аммо, фақат ана шу доимий муассасага тегишли бўлган қисмигина солиққа тортилади.

2. 3-банд қоидаларига мувофиқ, агар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда бундай доимий муассасага ҳисобланадиган фойда у алоҳида ва мустақил корхона сифатида худди шундай ёки шунга ўхшаш фаолиятни худди шундай ёки шунга ўхшаш шартлар асосида амалга ошириб доимий муассаса ҳисобланган корхонадан мутлақо мустақил равишда иш кўриб олиши мумкин бўлган фойда каби ўтказилади.

3. Доимий муассаса фойдасини аниқлашда, ушбу доимий муассаса фаолияти мақсадлари учун сарфланган, жумладан доимий муассаса жойлашган Давлатда ва ундан ташқаридаги фаолият мақсадлари учун сарфланган бошқарув ва умумий маъмурий харажатларни чегириб ташлашга йўл қўйилади.

Бироқ доимий муассаса томонидан корхонанинг бош офисига ёки унинг исталган бошқа офисларидан бирига роялти, йиғим ёки бошқа шунга ўхшаш тўловлар тарзида патентлардан ёки бошқа ҳуқуқлардан фойдаланганлик ўрнига ёки муайян хизматлар учун ёки менежментлик учун комиссия тўловлар тарзида, доимий муассасага берилган қарз учун фоизлар тарзида тўланган суммаларга нисбатан ҳеч қандай чегирмаларга йўл қўйилмайди.

4. Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага тегишли бўлган фойдани корхона оладиган умумий фойда миқдорини унинг турли бўлинмаларига мутаносиб тақсимлаш асосида аниқлаш одатдаги амалиёт эканлигига қарамай, 2-банддаги ҳеч бир нарса амалиётда таъкидланганидек, бу Давлатга шундай тақсимлаш асосида солиқ солинадиган фойдани аниқлашга ҳалақит бермайди; тақсимлашнинг танланган усули мана шу моддада мавжуд бўлган тамойилларга мувофиқ келадиган натижаларни бериши лозим.

5. Корхона учун ушбу доимий муассаса томонидан товар ёки буюмларнинг харид қилинишигагина асосланиб доимий муассасага бирон-бир фойда ёзилмайди.

6. Аввалги бандлар мақсадлари учун доимий муассасага тааллуқли бўлган фойда, агар бошқаси учун салмоқли ва етарли сабаблар бўлмаса, ҳар йили бир хил услубда аниқланади.

7. Агар фойда ушбу Конвенциянинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад турларини қамраб оладиган бўлса, унда бу моддаларнинг қоидаларига ушбу модда қоидалари таъсир этмайди.

8-модда.

Халқаро транспорт

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси халқаро ташишларда денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ёки йўл-транспортдан фойдаланишдан олган фойдасига фақат шу Давлатда солиқ солинади.

2. 1-банд қоидалари қуйидагиларга нисбатан ҳам қўлланилади:

а) халқаро ташишларда фойдаланиладиган ижарадан, шу жумладан экипажсиз кема ёки самолётларни фрахт қилиш асосида олинган фавқулотда фойдаларга;

б) контейнерлардан (шу жумладан, контейнерларни ташиш учун трейлерлар ва бошқа ускуналар) фойдаланиш, уларни сақлаб туриш ва ижарага беришдан олинган даромадларга, агар бундай фойдалар 1-банд тааллуқли бўлган фойдаларга нисбатан қўшимча ёки фавқулотда фойда бўлса.

3. 1 ва 2-бандларнинг қоидалари транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича пульда, қўшма фаолиятда ёки халқаро ташкилотда иштирок этишдан олган фойдаларга нисбатан ҳам қўлланилади.

9-модда.

Бирлашган корхоналар

1. Агар:

а) Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки унинг капиталида бевосита ёки билвосита иштирок этса, ёки

б) ўша шахслар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасини ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки капиталида бевосита ёки билвосита қатнашса,

ва ҳар қандай ҳолатда икки корхона ўртасида уларнинг тижорат ва молиявий муносабатларида мустақил корхоналар ўртасида яратиладигандан фарқли шароитлар вужудга келтирилса ёки белгиланса, бунда улардан бирига ҳисобланиши мумкин бўлган, аммо шундай шароитлар натижасида унга ҳисобланмаган ҳар қандай даромад ёки фойда ана шу корхонанинг даромади ёки фойдасига ҳисобланиши ва мувофиқ равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Қачонки, Аҳдлашувчи Давлат шу Давлат корхонаси фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бўйича ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилган фойдани киритса ва мувофиқ равишда солиққа тортса ва шу тариқа киритилган фойда биринчи эслатилган Давлат корхонасига, агар иккала корхона ўртасида вужудга келтирилган муносабатлар икки мустақил корхона ўртасидаги муносабатлар каби бўлганда ҳисобланадиган фойда бўлса, у ҳолда ана шу бошқа Давлат фойдадан ўзида олинган солиқ миқдорига тегишли зарур тузатишларни шу бошқа Давлат солиқ қонунларига асосан киритади. Бундай тузатишларни белгилашда ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларига тегишлича эътиборни қаратиши керак ва Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари, зарур бўлса, ўзаро маслаҳатлашишларни бошлашлари лозим.

10-модда.

Дивидендлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган дивидендлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аммо бундай дивидендлар, шунингдек дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатда шу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, бироқ дивидендларнинг амалдаги эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, ана шу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, унда шу тарзда олинган солиқнинг миқдори дивидендлар умумий миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Бу банд компаниянинг дивидендлар тўланадиган фойдасини солиққа тортишга тааллуқли эмас.

3. «Дивидендлар» атамаси мазкур моддада қўлланилганда, фойдада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи, қарз мажбурияти бўлмаган, акция ёки бошқа ҳуқуқлардан олинадиган даромадни ҳамда фойдани тақсимловчи компания резиденти бўлган Давлатнинг қонунларига мувофиқ акциялардан олинадиган даромад каби солиқлар орқали тартибга солишга тааллуқли бўлган бошқа даромадларни англатади.

4. Агар дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлгани ҳолда дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўз фаолиятини у ерда жойлашган доимий муассасаси орқали амалга оширса ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий базадан мустақил хусусий хизматлар кўрсатса ва холдингга нисбатан тўланадиган дивидендлар аслида шу доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса, ушбу модданинг 1 ва 2-бандлари қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда, шароитга кўра 7 ёки 14-моддалар қоидалари қўлланилади.

5. Агар бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатдан фойда ёки даромад олаётган бўлса, ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлат компания тўлаётган дивидендларни солиққа тортмаслиги мумкин, бунда дивидендлар ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган ёки дивидендлар тўланадиган холдинг шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек компаниянинг тақсимланмаган фойдаси ҳатто тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойда ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тўла ёки қисман ҳосил бўлган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам компаниянинг тақсимланмаган фойдасидан солиқлар олинмайди.

11-модда. Фоизлар

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида ҳосил бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган фоизлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ, бундай фоизлар, шунингдек дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда ана шу Давлатнинг қонунларига асосан ҳам солиққа тортилиши мумкин, агар фоизларнинг ҳақиқий

эгаси бошқа Ахдлашувчи Давлат резиденти бўлса, унда шу тарзда ундириладиган солиқ фоизлар ялпи микдорининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

3. 2-банд қоидаларига қарамай:

а) Ўзбекистон Республикасида ҳосил бўлган ва Венгрия Ҳукуматига ёки Венгрия Миллий банкига ёки Венгрия Эксим банки Пте Лтдга тўланадиган фоизлар Ўзбекистон солиғидан озод қилинади.

б) Венгрия Республикасида ҳосил бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банкига тўланадиган фоизлар венгрия солиғидан озод қилинади.

4. «Фоизлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда қарздорнинг фойдада иштирок этиш ҳуқуқлари мавжудлиги ва ипотека таъминотидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинadиган даромадларни хусусан, ҳукумат қимматбаҳо қоғозларидан олинadиган даромадлар, облигациялар ва қарз мажбуриятларидан шу жумладан, мукофотлар ва ушбу қимматбаҳо қоғозлар, облигациялар ва қарз мажбуриятлари бўйича олинadиган ютуқлар тушунилади ва 10-моддада келтирилган даромадлар таркибига кирмайди. Ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун жарималар ушбу модда мақсадларида фоизлар сифатида қаралмайди.

5. Агар фоизларнинг ҳақиқий эгаси Ахдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўла туриб, фоизлар ҳосил бўлаётган бошқа Ахдлашувчи Давлатда тижорат фаолиятини у ерда жойлашган доимий муассаса орқали олиб бораётган бўлса, ёки ушбу бошқа Давлатда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматлар кўрсатаётган бўлса ва фоизлар тўланаётган қарз талабноmaları шундай доимий муассаса ёки доимий база билан ҳам боғлиқ бўлса, 1 ва 2-банд қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда, вазиятга қараб, ушбу Конвенциянинг 7-модда ёки 14-моддаси қоидалари қўлланилади.

6. Фоизларни тўловчи Давлатнинг ўзи, маъмурий-ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий ҳокимият органлари ёки шу Давлатнинг резиденти бўлса, фоизлар ўша Ахдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади. Бироқ фоизларни тўловчи шахс Ахдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Ахдлашувчи Давлатда доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса, шу туфайли қарз мажбуриятдан фоизлар тўлаш мажбурияти вужудга келган бўлса, ва бу доимий муассаса ёки база тўлаш бўйича харажатларни амалга оширса, бунда фоизлар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Давлатда вужудга келган, деб ҳисобланади.

7. Агар тўловчи билан фоизларнинг ҳақиқий эгаси ўртасидаги ёки улар иккаласи ва ҳар қандай бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида фоизлар микдори тўловчи билан амалда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасида келишилиши мумкин бўлган микдордан ортиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган микдорга нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда, тўловнинг ортиқча қисмидан ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларини инобатга

олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунларига мувофиқ солиққа тортилади.

12-модда.

Роялти

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида ҳосил бўладиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтилар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ, роялтилар қаерда юзага келган бўлса ўша Аҳдлашувчи Давлатда унинг қонунларига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, агарда роялтининг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлса, ушбу ҳолатда ундириладиган солиқ роялти ялпи миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Роялти» атамаси ушбу моддада қўлланилганда ҳар қандай адабиёт, санъат ёки илмий асарларни, (шу жумладан кинофильмлар) ва фильмлар, ёки радио ва телевидение ва видеокассеталар учун ёзувлар, ҳар қандай патент, товар белгиси, чизма ёки модель, схемалар, махфий формула ёки жараён, ёки саноат, тижорат ёки илмий тажрибага мансуб ахборот учун муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланганлик учун ёки шу ҳуқуқни берганлик учун мукофот тарзида олинган ҳар қандай кўринишдаги тўлов турларини билдиради. Бинобарин, саноат, тижорат ёки илмий усқунадан фойдаланганлик ёки фойдаланишга берганлик учун тўлов патент ёки «ноу-хау» кўринишига эга бўлса «роялти» сифатида қаралиши мумкин.

4. Агар роялтиларнинг ҳақиқий эгаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўла туриб, роялти ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматларни амалга ошираётган бўлса ва роялти тўланаётган ҳуқуқ ёки мулк шундай доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлса, мазкур модданинг 1 ва 2-бандлари қоидалари қўлланилмайди. Бу ҳолда, 7-модда ёки 14-модданинг қоидалари вазиятга қараб қўлланилади.

5. Агар тўловчи Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, роялти шу Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади. Бироқ, роялтини тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда роялтини тўлаш мажбурияти келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса, ва бу доимий муассаса ёки база тўлаш бўйича харажатларни амалга оширса, унда бундай роялтилар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан роялти ҳуқуқига эга шахс ўртасидаги, ёки уларнинг иккаласи ва бошқа бирон бир шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида роялтидан фойдаланишга, ҳуқуққа ёки ахборот учун тўланадиган роялтининг миқдори тўловчи ва шу даромадлар ҳуқуқига эга шахс ўртасида

келишилиши мумкин бўлган миқдордан ошиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда, ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда, тўловнинг ортиқча қисми ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунларига мувофиқ солиққа тортилади.

13-модда.

Капитал қийматининг ўсишидан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг 6-моддада кўрсатилган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкни бошқа шахсга беришдан олинадиган даромадлар ўша бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида жойлашган, активлари асосан кўчмас мулкдан ёки унга бўлган ҳуқуқлардан иборат бўлган, компаниядаги акция, ҳуқуқ ёки фоизларни бошқа шахсга беришдан олинган даромадлари ёки компания акциялари жойлашган Давлатда, активлари асосан шу кўчмас мулк ёки унга бўлган ҳуқуқлардан ташкил топганда, ана шу кўчмас мулк жойлашган Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги доимий муассасаси тижорат мулкнинг бир қисмини ташкил этувчи кўчар мулкни бошқа шахсга беришдан олган ёки бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматларни амалга оширишида фойдаланиши мумкин бўлган доимий базасига тааллуқли кўчар мулкни бошқа шахсга беришдан олган даромадларига, жумладан ана шундай доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан биргаликда) ёки шундай доимий базани бошқа шахсга беришдан олган даромадлари ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз ёки ҳаво кемаларини бошқа шахсга беришдан ёки шундай денгиз ёки ҳаво кемаларидан фойдаланишга тааллуқли бўлган кўчар мулкни бошқа шахсга беришдан оладиган даромадлари фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

5. Ушбу модданинг 1, 2, 3 ва 4-бандларида қайд этилмаган исталган бошқа мулкни бошқа шахсга беришдан олинадиган даромадлар мулкни бошқа шахсга бераётган шахс резиденти ҳисобланган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

14-модда.

Мустақил шахсий хизматлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг касбий хизматларни кўрсатиш ёки мустақил тусдаги бошқа фаолиятдан оладиган даромадлари фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади. Истисно тариқасида, қуйидаги ҳоллардаги бундай даромадлар бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ҳам солиққа тортилиши мумкин:

а) агар у ўз фаолиятини амалга ошириш учун бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўзи учун мунтазам қулай бўлган доимий базага эга бўлса; бундай ҳолларда даромаднинг фақат шундай доимий базага тааллуқли бўлган қисмигина ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин; ёки

б) агар унинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда бўлиб туриш даври ҳар қандай ўн икки ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошувчи давр ёки даврлар мобайнида давом этса.

2. «Касбий хизматлар» атамаси, хусусан мустақил илмий, адабий, бадий, санъат, маърифий ва ўқитувчилик фаолиятларини, шунингдек шифокорлар, юристлар, муҳандислар, меъморлар, стоматологлар ва ҳисобчиларнинг мустақил фаолиятини қамраб олади.

15-модда.

Ёлланма ишдан даромадлар

1. Мазкур Конвенциянинг 16, 17, 18 ва 19-моддалари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ёлланма ишга нисбатан оладиган маоши, иш ҳақи ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари, агар ёлланма иш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаётган бўлса, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади. Агар ёлланма иш шу тарзда бажариладиган бўлса, унда шу муносабат билан олинган тақдирлаш ҳақлари ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Мазкур модданинг 1-банд қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган ёлланма хизмат учун оладиган тақдирлаш ҳақлари, агар қўйидаги шартлар бажарилса, фақат биринчи эслатилган Давлатда солиққа тортилади:

а) олувчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатда кўриб чиқиладиган календарь йилида бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кўриб чиқиладиган ўн икки ойлик давр доирасида жами 183 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар мобайнида бўлиб турса, ва

б) тақдирлаш ҳақлари бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлмаган иш берувчи томонидан ёки унинг номидан тўланадиган бўлса, ва

с) тақдирлаш ҳақлари бўйича харажатларни ёлловчи бошқа Давлатда эга бўлган доимий муассаса ёки доимий база ўз зиммасига олмаса.

3. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай, корхона томонидан кема, самолёт бортида ёки йўл-транспорт воситаларида амалга ошириладиган ёлланма иш учун оладиган тақдирлаш ҳақлари иш берувчининг резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

16-модда.

Директорларнинг гонорарлари

Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания директорлар кенгашининг ёки шунга ўхшаш ҳар қандай бошқа органлари аъзоси сифатида оладиган директорларнинг гонорарлари ва шунга ўхшаш бошқа тўловлари ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

17-модда.

Санъат ходимлари ва спортчилар

1. 14 ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқа-чи каби санъат ходими сифатида ёки спортчи сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошираётган шахсий фаолиятдан оладиган даромадлари ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Агарда санъат ходими ёки спортчи амалга оширган шахсий фаолиятдан олинadиган даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, балки бошқа шахсга ёзилган ҳолатда, бу даромад 7 ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай, санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатаётган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

3. Ушбу модданинг 1 ва 2-бандларнинг қоидаларига қарамай, санъат ходими ёки спортчи томонидан амалга оширилаётган фаолияти Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилиб, мазкур фаолият шу Аҳдлашувчи Давлат ёки бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ижтимоий ёки давлат жамғармалари томонидан, ёхуд Аҳдлашувчи Давлатлар ўртасида маданий соҳадаги битимлар ёки шартномалар доирасида амалга оширса, мазкур моддада кўрсатилган даромадлар Аҳдлашувчи Давлатда солиқдан озод бўлади. Шундай ҳолларда даромад фақат ушбу санъат ходими ёки спортчи резиденти бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

18-модда.

Пенсиялар

Бир Аҳдлашувчи Давлатда аввал ёлланганлиги бўйича компенсация сифатида вужудга келадиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган нафақа ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари фақат биринчи эслатилган Давлатда солиққа тортилади.

19-модда.

Ҳукумат хизмати

1. а) Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-худудий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ана шу Давлатга ёки унинг маъмурий-худудий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимият органларига кўрсатган хизматлари учун ҳар қандай жисмоний шахсга тўланадиган нафақадан ташқари иш ҳақи, мукофот ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

б) Бироқ бундай иш ҳақи, маош ва шунга ўхшаш бошқа тақдирлаш ҳақлари, агар хизмат ана шу Давлатда амалга оширилса ва жисмоний шахс ана шу Давлатнинг резиденти бўлса, фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади, қайсики:

i) ана шу Давлатнинг миллий шахси бўлса, ёки

ii) фақат шу хизмат кўрсатиш учунгина шу Давлатнинг резиденти бўлиб қолмаган бўлса.

2. 15, 16 ва 17-моддаларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлат, ёки унинг маъмурий-худудий бўлинмалари ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ кўрсатилган хизматларга нисбатан тўланадиган иш ҳақи, маош ва шунга ўхшаш тақдирлаш ҳақлари ва пенсияларга нисбатан татбиқ этилади.

20-модда.

Талабалар

Бир Аҳдлашувчи Давлатга келгунга қадар бевосита бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланиб турган ёки бўлган ва биринчи эслатилган Давлатда фақатгина ўқиш ёки маълумот олиш мақсадидагина яшаб турган талаба ёки амалиётчининг яшаши, ўқиши ёки маълумот олиши учун мўлжалланган тўловлар, башарти бундай тўловлар шу Давлат худудидан ташқаридаги манбалардан пайдо бўлган тақдирда ана шу Давлатда солиққа тортилмайди.

21-модда.

Профессорлар ва ўқитувчилар

1. Профессор ёки ўқитувчи, Аҳдлашувчи Давлатга келишдан олдин бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган ва биринчи эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Давлатдаги университет, коллеж ёки бошқа тан олинган илмий-тадқиқот муассасаси ёхуд бошқа олий таълим муассасаси учун ҳамда биринчи эслатиб ўтилган Давлатга фақатгина ўқитиш ёки илғор таълим бериш (шу жумладан, илмий-тадқиқот) мақсадида икки йилдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида Аҳдлашувчи Давлатга биринчи ташрифи санасидан икки йилдан ошмайдиган вақтда ташриф буюрса, ана шундай ўқитиш ёки илмий-тадқиқотлардан олинадиган ҳар қандай тақдирлаш ҳақлари биринчи эслатилган Аҳдлашувчи Давлатда солиқлардан озод этилади.

2. Агар профессор ёки ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган тадқиқоти алоҳида шахс ёки шахсларнинг фойдаси учун бўлса, ушбу модданинг юқоридаги қоидалари шу илмий-тадқиқотлардан олинадиган даромадларга нисбатан қўлланилмайди.

22-модда.

Бошқа даромадлар

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ушбу Конвенциянинг олдинги моддаларида айтиб ўтилмаган даромад турлари, уларнинг қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

2. 6-модданинг 2-бандида белгиланган кўчмас мулкдан олинган даромадни истисно этган ҳолда, агарда бундай даромадни олувчи Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўла туриб, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали фаолиятини амалга ошираётган бўлса ёки у ерда жойлашган доимий базадан мустақил шахсий хизматларни амалга ошираётган бўлса ва даромад тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк ҳақиқатан ҳам бундай доимий му-

ассаса ёки база билан боғланган бўлса, 1-банд қоидалари қўлланилмайди. Бу ҳолатда, вазиятга қараб, 7-модда ва 14-моддаларнинг қоидалари қўлланади.

23-модда.

Капитал

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тегишли бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган, 6-моддада кўрсатилган кўчмас мол-мулкдан иборат бўлган капитал ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасаси тижорат мулкнинг бир қисмини ташкил этувчи кўчар мулкдан иборат бўлган капитал ёхуд мустақил шахсий хизматларни бажариш мақсадида Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фойдаланадиган доимий базасига тааллуқли кўчар мол-мулк ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Халқаро ташишларда фойдаланадиган ва кўчар мулк сифатида фойдаланиладиган кемалар, самолётлар, ёки йўл-транспорт воситаси ёки темир йўл тарзидаги капитал шундай кемалар, самолётлар, йўл-транспорт воситаси ёки темир йўлдан фойдаланишга тааллуқли бўлган кўчар мулк фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

4. Аҳдлашувчи Давлат резиденти капиталининг бошқа барча элементлари фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

24-модда.

Икки ёқлама солиққа тортишни бартараф этиш

1. Ўзбекистон Республикасида икки ёқлама солиққа тортиш қуйидаги тарзда бартараф этилади:

Ўзбекистон Республикаси резиденти ушбу Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ Венгрияда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олаётганда ёки мулкка эгалик қилаётганда, Ўзбекистон қуйидагиларга рухсат беради:

а) ушбу резидентнинг Венгрияда тўланган даромад солиғига тенг миқдорини чегириб ташлашга,

б) ушбу резидентнинг Венгрияда тўланган мол-мулк солиғига тенг миқдорини чегириб ташлашга.

Вазиятдан келиб чиқиб, мазкур ҳолатдаги каби Венгрияда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад ёки мулкка тегишли ҳисобланган солиқ, бундай чегирмалар, ҳар қандай ҳолатда ҳисобланган даромад ёки мулк солиғининг ўша қисмидан ошиб кетмаслиги лозим.

2. Венгрияда икки ёқлама солиққа тортиш қуйидаги тарзда бартараф этилади:

а) Агар Венгрия резиденти ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ Ўзбекистонда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки капиталга эгалик қилса, унда шу даромад ва капитал, ушбу модданинг б) кичик банди ва 3-банднинг қоидаларига асосан Венгрияда солиқдан озод этилади.

б) Агарда Венгрия резиденти 10, 11, 12-моддаларнинг қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистонда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромадларини олса, Венгрия Ўзбекистонда ушланадиган солиққа тенг қийматни ана шу резидентнинг даромад солиғидан чегирма қилишга рухсат беради. Бирок, бундай чегирмалар Ўзбекистондан олинган шу каби даромадларга тааллуқли бўлган ва бу чегирмалар амалга оширилгунга қадар ҳисоблаб чиқилган солиқдан ошиб кетмаслиги лозим.

3. Ушбу Конвенциянинг бирон-бир қоидасига мувофиқ Аҳдлашувчи Давлат резиденти эга бўлган даромад ёки мулк шу Давлатда солиққа тортишдан чегирма қилинган бўлса, бу Давлат ана шу резидентнинг даромади ёки мулкнинг қолган қисмига солиқ миқдорини ҳисоблашда даромад ёки мол-мулкка солинган солиқдан чегириб ташланган миқдорни ҳисобга олиши мумкин.

25-модда.

Камситмаслик

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг миллий шахслари бошқа Аҳдлашувчи Давлатда, ушбу бошқа Давлат миллий шахсларига айна бир хил шароитларда, жумладан резидентликка нисбатан солиниши мумкин бўлганидан ортиқ ҳар қандай солиқ ёки унга алоқадор мажбуриятларга, солиққа тортишдан кўра ўзга ёки мушкулроқ ёки унга алоқадор ҳолатларга дучор қилинмайдилар. Бу қоида 1-модда қоидаларидан қатъи назар, бир ёки иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлатларнинг резиденти бўлиб, фуқаролиги бўлмаган шахслар Аҳдлашувчи Давлатларнинг ҳеч бирида қандайдир солиққа тортиш ёки у билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мажбуриятларга, ана шу Давлатларнинг миллий шахслари, хусусан резиденцияга нисбатан бошқа ёки солиққа тортишдан кўра мушкулроқ ёхуд унга алоқадор бўлган мажбуриятларга дучор қилинмасликлари лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасага солиқ солиш ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ушбу бошқа Давлатнинг айнан шундай фаолиятни амалга оширувчи корхоналарига солиқ солишдан кўра мушкулроқ бўлмайди. Ушбу қоида Аҳдлашувчи Давлатлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентини солиқ солишда ўз резидентларига уларнинг фуқаролик мақоми ёки оилавий мажбуриятлари асосида берадиган ҳар қандай хусусий имтиёзлар, озод қилишлар ёки чегирмалар беришга мажбурловчи қоида тарзида талқин қилинмаслиги лозим.

4. Истисно тариқасида 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 7-банди ёки 12-модданинг 6-банди қоидалари қўлланилганида, бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўлайдиган фоизлар, роялтилар ва бошқа қарз тўловлари бундай корхонанинг солиққа тортиладиган даромадини аниқлаш мақсадида, шу тўловлар биринчи эслатилган

Давлат резидентига тўланган бўлса, худди шу шартлар асосида чегириб ташланади.

5. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки бир неча резидентларига тўлиқ ёки қисман тегишли бўлса, ёхуд бевосита ёки билвосита назорат қилинаётган бўлса, биринчи эслатилган Давлатнинг шундай корхоналарига солинадиган ёки солиниши мумкин бўлган ҳар қандай солиқ солиш ёки унга алоқадор мажбуриятларга ёки солиққа тортишдан кўра мушкулроқ ва у билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга биринчи эслатилган Давлатда дучор қилинмайди. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига нисбатан бўлган ҳар қандай қарзлар шу корхонанинг солиққа тортиладиган мулкани аниқлаш мақсадида биринчи эслатилган Давлат резидентига нисбатан бўлган қарзи худди шундай шартлар асосида чегириб ташланиши керак.

6. Ушбу модда қоидалари, 2-банд қоидаларига қарамай, ҳар қандай турдаги ва таърифланган солиқларга нисбатан қўлланилади.

26-модда.

Ўзаро келишув процедуралари

1. Агар шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан бири ёки ҳар иккаласининг ҳаракати унга ушбу Конвенция қоидаларига зид келмайдиган солиққа тортишга олиб келади ёки олиб келиши мумкин, деб ҳисобласа, у ушбу Давлатларнинг ички қонунларида назарда тутилган ҳимоя воситаларидан қатъи назар, ўз аризасини ўзи резидент бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига, ёки агарда унинг ҳолати ушбу Конвенциянинг 25-моддаси 1-бандига мувофиқ келса, ўзи миллий шахси бўлган Аҳдлашувчи Давлатга тақдим этиши мумкин. Бу ариза ушбу Конвенция қоидаларига номувофиқ келадиган солиққа тортишга олиб келувчи ҳаракатлар тўғрисида биринчи бор билдирилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида берилиши керак.

2. Ваколатли орган унинг аризасини асосли деб топса, аммо ўзи қониқтирган қарорга кела олмаса, масалани ушбу Конвенцияга мувофиқ келмайдиган солиққа тортилишини олдини олиш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишиб ҳал этишга ҳаракат қилади. Эришилган ҳар қандай келишув Аҳдлашувчи Давлатлар ички қонунларидаги ҳар қандай вақтинча чеклашларга қарамай амалга оширилиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай қийинчилик ёки иккиланишларни ўзаро келишув асосида ҳал этишга ҳаракат қиладилар. Улар икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик мақсадида Конвенцияда назарда тутилмаган ҳолатлар юзасидан ҳам бир-бирлари билан маслаҳатлашишлари мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари олдинги бандлар маъноларини тушунишда ҳамфикрликка эришиш мақсадида бир-бирлари билан уларнинг ўзларидан ёки уларнинг вакиллари билан ташкил этилган бирлашган комиссия доирасида бевосита алоқада бўлиб туришлари мумкин.

27-модда.
Ахборот алмашиш

1. Мазкур Конвенция қоидаларини амалга ошириш зарурати юзасидан ёки Аҳдлашувчи Давлатлар ички қонунларини қўлланишида Аҳдлашувчи Давлатлар, уларнинг маъмурий-худудий бўлимлари ёки маҳаллий ҳокимият органлари номидан ундириладиган барча солиқ турларига тааллуқли бўлган ҳамда мазкур Конвенцияга зид бўлмаган даражада ахборотлар билан алмашиб турадилар. Бундай ахборот алмашиш 1 ва 2-модда билан чекланмайди. Аҳдлашувчи Давлат томонидан олинган ҳар қандай ахборот, мазкур Давлатнинг ички қонунларига мувофиқ олинган маълумот каби махфий ҳисобланади ҳамда фақат аниқлаш, ундириш, мажбурий ундириш ёки суд орқали таъқиб этиш билан ёки мазкур Конвенцияга тегишли бўлган солиқларга нисбатан апелляцияларни кўриб чиқиш билан боғлиқ шахслар ёки органларга (шу жумладан, судлар ва маъмурий органларга) очилади. Бу шахслар ёки органлар ахборотдан фақат шундай мақсадларда фойдаланадилар. Улар ушбу ахборотни очик суд мажлисида ёки юридик қарорларини қабул қилиш чоғида очишлари мумкин.

2. Ҳеч қандай ҳолатда ҳам мазкур модданинг 1-банди қоидалари Аҳдлашувчи Давлатлар ваколатли органлари зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юкловчи қоидалар сифатида талқин қилинмайди:

а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатлар қонунчилиги ёки маъмурий амалиётига зид маъмурий чоралар ўтказиш;

б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатлар қонунчилигига кўра ёки одатдаги маъмурий амалиётига мувофиқ олиниши мумкин бўлмаган ахборотни тақдим этиш;

с) савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ёки касб сири, ёки савдо жараёнини, ёки ахборотни очилиши давлат сиёсати (жамоат тартибига) зид келиши мумкин бўлган ахборотни тақдим этиш.

28-модда.

Дипломатик ваколатхоналар аъзолари ва консуллик муассасалари хизматчилари

Мазкур Конвенциянинг ҳеч бир қоидаси дипломатик миссия раҳбарлари ва консуллар ҳамда дипломатик агентлар ёки консуллик хизматчиларнинг халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларига ёки махсус битимларнинг қоидаларига мувофиқ тақдим этилган фискал имтиёзларига дахл қилмайди.

29-модда.

Конвенциянинг кучга кириши

Аҳдлашувчи Давлатлардан ҳар бири ушбу Конвенциянинг кучга кириши учун ички қонунларига мувофиқ талаб қилинадиган процедураларнинг тугаганлиги тўғрисида бир-бирларини дипломатик каналлар орқали хабар-

дор қиладилар. Ушбу Конвенция шундай хабарнома олинган кундан кейин қуйидагиларга нисбатан амал қила бошлайди:

а) ушбу Конвенция кучга кирадиган йилдан кейин келадиган ўша тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейин олинадиган даромад бўйича манбадан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) Конвенция кучга кирадиган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейинги ҳар бир солиқ йили учун ундириладиган даромад солиқлари ва капитал солиқлари бўйича бошқа солиқларга нисбатан.

30-модда.

Конвенциянинг амал қилишини тўхтатиш

Ушбу Конвенциянинг амал қилиши Аҳдлашувчи Давлатлардан бири тарафидан тўхтатилмагунга қадар ўз кучида қолади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Конвенциянинг амалга киритилган вақтидан беш йил ўтгандан сўнг ҳар қандай вақтда, ҳар қандай тақвимий йилнинг тугашига камида олти ой қолғунига қадар, дипломатик каналлар орқали Конвенция амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома бериш йўли билан тўхтатиши мумкин.

Бундай ҳолатда Конвенциянинг амал қилиши қуйидагича тўхтатилади:

а) амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан кейин келадиган ўша тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб ёки шу санадан кейин олинадиган даромад бўйича манбадан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан кейин келадиган ўша тақвимий йилнинг биринчи январидан ёки шу санадан кейинги ҳар қандай солиқ йили учун ундириладиган бошқа даромад солиқлари ва капитал солиқларига нисбатан.

Ушбу Конвенциянинг амал қилиши Аҳдлашувчи Давлатлардан бири тарафидан тўхтатилмагунча ўз кучида қолади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Конвенциянинг амалга киритилгандан вақтидан беш йил ўтгандан сўнг, ҳар қандай тақвимий йилнинг тугашига камида олти ой қолғунига қадар, дипломатик каналлар орқали Конвенция амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома бериш йўли билан тўхтатиши мумкин.

Бундай ҳолатда Конвенциянинг амал қилиши:

а) амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан бевосита кейин келадиган тақвимий йилнинг биринчи январидан бошлаб даромаддан олинадиган, манбадан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан бевосита кейин келадиган тақвимий йилнинг биринчи январидан ёки шу санадан кейин бошланадиган ҳар қандай солиқ йиллари учун олинадиган бошқа даромад солиқлари ва капитал солиқларга нисбатан тўхтатилади.

Тегишли тартибда ваколат берилган қуйида имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб, ушбу Конвенцияни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2008 йил 17 апрелда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, венгер ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Конвенция қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн асос учун қабул қилинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси «Ўзбектуризм» Миллий
компанияси билан Туркменистон Давлат туризм ва
спорт бўйича қўмитаси ўртасида туризм соҳасида
ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ***

Тошкент, 2009 йил 25 февраль

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва Туркменистон Давлат туризм ва спорт бўйича қўмитаси бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида 1996 йил 16 январда имзоланган туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимга амал қилиб,

икки давлат ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилиб,

икки мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётида туризмнинг муҳим ролини эътиборга олиб,

туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш икки мамлакат халқлари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим эканлигини ҳисобга олиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда.

Томонлар ўз давлатлари миллий қонунчилиги ва Томонлар иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар доирасида, ҳар икки давлат фуқароларини иккала мамлакат халқларининг иқтисодиёт, ижтимоий тараққиёт, маданият соҳасидаги ютуқлари, табиатидаги диққатга сазовор жойлари, тарихий ёдгорликлари ва миллий анъаналари билан таништириш мақсадида тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадилар

* Имзоланган кундан кучга кирган.

2-модда.

Томонлар ташқи ва ички туризмнинг барча соҳаларида тажриба алмашишга ёрдам берадилар, халқаро туризмни ривожлантиришда иштирок этаётган манфаатдор ўзбек ва туркман ташкилотлари, ассоциациялари ва компаниялари ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашадилар. Томонлар иккала давлат ўртасида ўзаро сайёҳлар алмашишни яхшилаш мақсадида:

- а) туристик тадбирлар ўтказиш соҳасида тажриба алмашиш;
- б) туризм тўғрисидаги босма нашрлар билан алмашиш;
- в) иккала мамлакатда туризм масалалари бўйича ўзаро кўргазмалар ташкил қилиш, фильмлар намойиш этиш, симпозиумлар ва семинарлар ўтказиш имкониятларини ўрганиш борасида ҳамкорлик қиладилар.

3-модда.

Томонлар кадрларни ўқитишда ўзаро ёрдам кўрсатадилар ва туризм бўйича тегишли органларнинг мутахассисларини алмашишда кўмаклашадилар. Томонлар манфаатдор ташкилотларга, туризм соҳасида инвестиция лойиҳаларини тузишда ва амалга оширишда, шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этишда ёрдам берадилар.

4-модда.

Томонлар иккала мамлакатдаги туристик агентликлар ўртасида ҳамкорлик учун янги йўналишларни ўрганадилар ва халқаро туристик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича тажриба алмашишга ёрдам берадилар.

5-модда.

Томонларнинг ўзаро розилиги билан ушбу Битимга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин, улар ушбу Битимнинг ажралмас қисми бўлган алоҳида баённомалар билан расмийлаштирилади.

Бунда баённомалар 7-моддада белгиланган тартибда кучга киради.

6-модда.

Ушбу Битим қоидаларини қўллаш ва талқин қилиш бўйича барча баҳслар ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилинади.

7-модда.

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Битим ўн йил (10) давомида амал қилади. Томонлардан ҳеч бири бошқа Томонни ўзининг Битим амал қилишини бекор қилиш мақсади тўғрисида тегишли муддат тугашидан камида олти (6) ой олдин ёзма шаклда хабардор қилмаса, унинг амал қилиши ўз-ўзидан кейинги ўн йиллик даврларга узаяверади.

Тошкент шаҳрида 2009 йил 25 февралда икки нусхада, ҳар бири ўзбек,

туркман ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар пайдо бўлса, Томонлар рус тилидаги матнга амал қиладилар.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ*
между Национальной компанией «Узбектуризм» Республики Узбекистан и Государственным комитетом Туркменистана по туризму и спорту о сотрудничестве в области туризма

Ташкент, 25 февраля 2009 года

Национальная компания «Узбектуризм» Республики Узбекистан и Государственный комитет Туркменистана по туризму и спорту, далее именуемые Стороны,

руководствуясь Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Туркменистана о сотрудничестве в области туризма, подписанным 16 января 1996 года,

стремясь к дальнейшему развитию и укреплению сотрудничества в области туризма между двумя государствами,

принимая во внимание важную роль туризма в экономическом, социальном и культурном прогрессе обеих стран,

учитывая важность развития сотрудничества в области туризма в укреплении дружественных отношений между народами обеих стран,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны будут способствовать развитию сотрудничества в области туризма в рамках национальных законодательств государств Сторон и международных договоров, участниками которых являются Стороны, в целях ознакомления граждан обоих государств с достижениями в области экономики, социального развития, культурных достижений, природными достопримечательностями, историческими памятниками и национальными традициями народов обеих стран на основе равноправия и взаимной выгоды.

* Вступило в силу со дня подписания.

Статья 2

Стороны будут способствовать обмену опытом во всех областях внешнего и внутреннего туризма, содействовать сотрудничеству между заинтересованными узбекскими и туркменскими организациями, ассоциациями и компаниями, участвующими в развитии международного туризма. С целью улучшения взаимного обмена туристами между обоими государствами, Стороны будут сотрудничать:

(а) в обмене опытом в области проведения туристических мероприятий;

(б) в обмене печатными изданиями о туризме;

(в) в изучении возможностей организации взаимных выставок, показа фильмов, проведения симпозиумов и семинаров по вопросам туризма в обеих странах.

Статья 3

Стороны будут оказывать взаимную помощь в обучении кадров, и содействовать обмену специалистами соответствующих органов по туризму. Стороны будут способствовать заинтересованным организациям в составлении и реализации инвестиционных проектов в сфере туризма, а также созданию совместных предприятий.

Статья 4

Стороны будут изучать новые направления для сотрудничества между существующими в обеих странах туристическими агентствами, и способствовать обмену опытом по сотрудничеству с международными туристическими организациями.

Статья 5

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

При этом протоколы вступают в силу в порядке, определенном в Статье 7.

Статья 6

Все споры и разногласия по применению и толкованию положений настоящего Соглашения, разрешаются путем переговоров и консультаций между Сторонами.

Статья 7

Настоящее Соглашение вступает в силу со дня его подписания. Соглашение является действительным в течение десяти (10) лет. Его действие будет автоматически продлеваться на последующие десятилетние периоды,

если ни одна из Сторон не уведомит в письменной форме другую Сторону не менее чем за шесть (6) месяцев до истечения соответствующего срока о своем намерении прекратить его действие.

Совершено в г. Ташкенте 25 февраля 2009 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, туркменском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий в толковании положений настоящего Соглашения Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Латвия
Республикаси Ҳукумати ўртасида фавқулдда
вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида
ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

Тошкент, 2008 йил 6 октябрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2009 йил 7 январдаги ПҚ-1033-сонли қарори*
билан тасдиқланган*

*(2009 йил 13 апрелдан кучга кирган)***

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Латвия Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар, ўзларининг халқаро мажбуриятларини эътиборга олиб, иккала давлат учун фавқулдда вазиятлар туғдираётган хавфни англаб,

фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида илмий-техникавий ахборот алмашиш ўзаро қизиқиш уйғотишини ҳисобга олиб,

фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги ҳамкорлик иккала давлатнинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлашини тан олиб,

